ҚҲММБ: 09/21/172/0275-сон
03.04.2021 й.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 3 » aprel № 172 Toshkent sh.

Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 29 октябрдаги ПФ–6097-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистоннинг миллий инновацион тизимини модернизация қилиш, глобал бозорда миллий маҳсулотлар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини, иқтисодиёт диверсификацияси самарадорлигини ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

“Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – Лойиҳа) молиялаштириш учун Жаҳон банки Директорлар кенгаши томонидан 2020 йил 28 октябрдаги Халқаро тараққиёт уюшмасининг (кейинги ўринларда – ХТУ) Ўзбекистон Республикасига **30 йил** муддатга, шу жумладан **5 йил** имтиёзли давр билан **50 млн** АҚШ доллари эквивалентида қарз ажратиш бўйича келишувга эришилганлиги;

лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил қилиш, зарур асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш ҳамда хорижий консультантларни жалб қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банки ўртасида алоҳида имзоланадиган Бўнак келишуви доирасида **1 924 минг** АҚШ доллари эквивалентида қарз ажратилганлиги;

лойиҳани амалга ошириш муддати **беш йил** (2021–2026 йиллар) этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги лойиҳанинг ўз вақтида амалга оширилишини мувофиқлаштириш, шунингдек, ХТУ қарзларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун масъул ҳисобланади;

ҚҲММБ: 09/21/172/0275-сон
03.04.2021 й.

ХТУ томонидан ажратиладиган қарзларни қайтариш, фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳамда мажбуриятлар учун воситачилик ҳақи бўйича тўловларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Лойиҳа доирасида ўтказиладиган танловларда вазирликнинг 2021–2022 йиллардаги устувор фаолият йўналишларида белгиланган соҳалар, жумладан **биотехнологияларни ривожлантириш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сунъий интеллектни жорий этиш, қайта тикланувчи энергетика, чорвачилик** ва **қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга** оид лойиҳалар иштирокини таъминласин.

4. Қуйидагилар:

“Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш” лойиҳасининг асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш” лойиҳаси маблағларидан фойдаланиш схемаси 2-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан ажратиладиган қарзларни қайтариш, фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳамда мажбуриятлар учун воситачилик ҳақи бўйича тўловларни амалга оширишнинг прогноз жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Ўзбекистон Республикаси ва ХТУ ўртасидаги лойиҳани молиялаштириш юзасидан молиявий битимни Ўзбекистон Республикаси номидан имзолашга ваколат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида тижорат банкида ўзининг депозит ҳисобварақларига эга бўлган юридик шахс мақомига эга бўлган ХТУ маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган 16 штат бирлигидан ошмаган Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (кейинги ўринларда – ЛАОГ) ташкил этилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 майдаги 239-ф-сон фармойиши билан ташкил этилган ЛАОГ тузилмаси тугатилсин ва Бўнак келишуви доирасида харид қилинган асосий воситалар янги ташкил этилган ЛАОГ балансига ўтказилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бир ой муддатда:

ЛАОГни лойиҳани амалга ошириш даврида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирсин;

ЛАОГ тузилмаси ва штат жадвалини белгиланган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

ҚҲММБ: 09/21/172/0275-сон
03.04.2021 й.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдураҳмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 1

ҚҲММБ: 09/21/172/0275-сон
03.04.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ 3 ” апрелдаги 172 сон қарорига
1-илова

“Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш” лойиҳасининг асосий
ПАРАМЕТРЛАРИ

№	Кўрсаткич номи	Ўлчов бирлиги	Жами	Шу жумладан:	
				Қарз	Бюджет маблағлари
1	**Лойиҳанинг умумий қиймати**	**минг АҚШ долл. экв.**	**53 600,0**	**50 000,0**	**3 600**
	Шу жумладан:				
1.1.	инвестицион даврда/дан кейинги молиявий кечикишлар				
1.2.	Солиқ ва божхона харажатлари		3 600		3 600
2	**Хорижий валютадаги капитал қўйилмалар, жами**		50 000,0	50 000,0	
	улардан:				
2.1.	1-компонент	минг АҚШ долл. экв.	20 000,0	20 000,0	
2.2.	2-компонент	минг АҚШ долл. экв.	20 000,0	20 000,0	
2.3.	3-компонент	минг АҚШ долл. экв.	5 000,0	5 000,0	
2.4.	4-компонент	минг АҚШ долл. экв.	5 000,0	5 000,0	
3	**Инвестиция даврининг давомийлиги**	йил	2021–2026 йй.		
4	**Қарзни қайтариш муддати**	йил	30		
	Шу жумладан:				
4.1.	имтиёзли муддат	йил	5		

ҚҲММБ: 09/21/172/0275-сон
03.04.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "3" апрелдаги 172-сон қарорига
2-илова

"Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш" лойиҳаси маблағларидан фойдаланиш
СХЕМАСИ

Компонентлар	Қарз суммаси		Маблағларни йўналтириш мақсади
	Сумма (минг АҚШ долл.)	фоиз	
1-компонент. Илмий тадқиқот ва тижоратлаштириш сифатини ошириш			
Илмий тадқиқот сифатини ошириш дастури *(илмий тадқиқот грантлари)*	10 000	20	Ҳар бир тадқиқот гуруҳи учун 24 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга (истисно тарзда айрим лойиҳаларга қўшимча муддат берилиши мумкин) **200-600 минг АҚШ доллари** эквивалентида грант ажратилади.
Илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш дастури *(илмий тадқиқот ишланмаларини тижоратлаштириш грантлари)*	4 000	8	Илмий тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришга 24 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга **75-150 минг АҚШ долларида** грант ажратилади. Шунингдек, лойиҳа компонентининг жаҳон тажрибалари асосида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида бутун лойиҳа давомида хорижий экспертлар ва консультинг компаниялар жалб этилади.
Илмий ташкилотларни модернизация қилиш *(грантлар)*	6 000	12	Миллий илмий тадқиқот фаолиятларини жаҳон илм-фани ютуқлари билан интеграциясини таъминлаш мақсадида замонавий лаборатория асбоб-ускуна ва қурилмалари харид қилинади.
Жами	**20 000**	**40**	
2-компонент. Хусусий секторда инновацияларни рағбатлантириш			
Инновацион салоҳиятни ривожлантириш дастури *(грантлар)*	10 000	20	Илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида хусусий ишлаб чиқариш корхоналарига сифат сертификатлари ва кичик ҳажмли ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари учун **50 минг АҚШ доллари** бўлган ҳажмда грант маблағлари ажратилади (аёллар раҳбарлик қилаётган бизнес вакилларига

			10% ортиқ). Шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни халқаро сифат сертификатларини қўлга киритиш орқали ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлилигини оширишни қўллаб-қувватлаш мақсадида замонавий технологик ишлаб чиқариш қурилмаларига грант маблағлари ажратилади. Мамлакатда миллий сифат инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида лаборатория ва синов ускуналари харид қилинади.
Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига бизнес-инвестиция дастури *(грантлар)*	10 000	20	Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларини хусусий сектор томонидан тижоратлаштирилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигида лойиҳалар молиялаштирилади. Молиялаштириш миқдори **300 минг АҚШ долларидан 600 минг АҚШ долларига**ча 24 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга хусусий сектор билан ҳамкорликда молиялаштиришга ажратилади (аёллар томонидан бошқарилувчи компанияларга молиялаштириш ҳажми 10% га оширилиши мумкин).
Жами	**20 000**	**40**	
3-компонент. Илм-фан, технология, инновация соҳаларидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш			
Миллий инновацион тизимни шакллантириш учун консалтинг хизматлари	5 000	10	Илм-фан, технология ва инновацион фаолиятларни мувофиқлаштирган ҳолда таклиф ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нуфузли ҳамда соҳада катта тажрибага эга якка тартибдаги консультант ва консалтинг компанияларни жалб этиш. Илм-фан ва инновациялар йўналишидаги ташкилий масалаларда ҳамкорлик, шунингдек, лойиҳа доирасида маҳаллий ҳамда халқаро миқёсдаги тадбирлар ва анжуманларни ташкил этиш.
Жами	**5 000**	**10**	

4-компонент. Лойиҳани бошқариш, мониторинг қилиш ва натижаларни баҳолаш			
Лойиҳани бошқариш	2500	5	Лойиҳани амалга ошириш жараёнида ЛАОГнинг барча молиявий харажатларини (жумладан, ходимларнинг ойлик маоши, хизмат сафари, молиявий аудит, алоқа, транспорт ва бошқа офис харажатлари) қоплаш ҳамда қисқа муддатли тренинглар ва ўқув семинарлар ўтказиш. Ажратилган грант маблағларини самарадорлиги ва мақсадли йўналтирилганлигини баҳолаш учун ташқи аудит жалб этиш.
Якка тартибдаги халқаро экспертларнинг консултацион хизматлари *(тегишли компонентлар бўйича)*	2 500	5	Лойиҳа компонентлари доирасида грантни мақсадли йўналтириш, танлов иштирокчилари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, саралаш, эксперт хулосаларини олиш ва мунтазам тарзда илмий-техник кўмак кўрсатувчи якка тартибдаги халқаро экспертларни 5 йил муддатга жалб қилиш учун йўналтириш.
Жами	**5 000**	**10**	
Ҳаммаси	**50 000**	**100**	

ҚҲММБ: 09/21/172/0275-сон
03.04.2021 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил "3" апрелдаги 172-сон қарорига
3-илова

"Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш" лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тараққиёт уюшмаси томонидан ажратиладиган қарзларни қайтариш, фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳамда мажбуриятлар учун воситачилик ҳақи бўйича тўловларни амалга оширишнинг

ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ

Қарз суммаси	50 млн АҚШ доллари
Қарз муддати	30 йил
Имтиёзли давр	5 йил
Фоиз ставкаси	1,25% + тўғрилаш ставкаси*
Хизмат кўрсатганлик учун тўлов	0,75%+ тўғрилаш ставкаси**
Мажбуриятлар учун воситачилик ҳақи	0,50%

АҚШ доллари

Тўлов даври	Ечилмаган қисми	Ўзлаштириш графиги	Қарз қолдиғи	Тўлов миқдори				Тўланиши лозим бўлган умумий маблағ****
				асосий қарз	фоизлар*	хизмат кўрсатганлик учун тўлов	мажбуриятлар учун воситачилик ҳақи***	
01.03.2021	50 000 000							
15.04.2021	44 444 444	5 555 556	5 555 556				31 250	31 250
15.10.2021	38 888 889	5 555 556	11 111 111		37 278	72 296	112 963	222 537
15.04.2022	33 333 333	5 555 556	16 666 667		74 148	107 852	98 302	280 302
15.10.2022	27 777 778	5 555 556	22 222 222		111 833	144 593	84 722	341 148
15.04.2023	22 222 222	5 555 556	27 777 778		148 296	179 753	70 216	398 265
15.10.2023	16 666 667	5 555 556	33 333 333		186 389	216 889	56 481	459 759
15.04.2024	11 111 111	5 555 556	38 888 889		223 667	253 037	42 361	519 065
15.10.2024	5 555 556	5 555 556	44 444 444		260 944	289 185	28 241	578 370
15.04.2025	0	5 555 556	50 000 000		296 593	323 556	14 043	634 191
15.10.2025			49 175 000	825 000	335 500	319 965		1 480 465
15.04.2026			48 350 000	825 000	328 161	312 878		1 466 039
15.10.2026			47 525 000	825 000	324 429	309 229		1 458 658
15.04.2027			46 700 000	825 000	317 150	302 201		1 444 351
15.10.2027			45 875 000	825 000	313 357	298 493		1 436 850
15.04.2028			45 050 000	825 000	307 821	293 125		1 425 947
15.10.2028			44 225 000	825 000	302 286	287 757		1 415 043
15.04.2029			43 400 000	825 000	295 128	280 846		1 400 974
15.10.2029			42 575 000	825 000	291 214	277 021		1 393 235
15.04.2030			41 750 000	825 000	284 117	270 169		1 379 286
15.10.2030			40 925 000	825 000	280 143	266 285		1 371 428
15.04.2031			40 100 000	825 000	273 106	259 492		1 357 598
15.10.2031			39 275 000	825 000	269 071	255 549		1 349 620
15.04.2032			38 450 000	825 000	263 535	250 181		1 338 717
15.10.2032			37 625 000	825 000	258 000	244 813		1 327 813
15.04.2033			36 800 000	825 000	251 084	238 137		1 314 221
15.10.2033			35 975 000	825 000	246 928	234 077		1 306 005
15.04.2034			35 150 000	825 000	240 073	227 460		1 292 533
15.10.2034			34 325 000	825 000	235 857	223 341		1 284 198
15.04.2035			33 500 000	825 000	229 062	216 782		1 270 844
15.10.2035			32 675 000	825 000	224 785	212 605		1 262 390
15.04.2036			31 850 000	825 000	219 249	207 237		1 251 487
15.10.2036			31 025 000	825 000	213 714	201 869		1 240 583
15.04.2037			30 200 000	825 000	207 040	195 428		1 227 468
15.10.2037			29 375 000	825 000	202 642	191 133		1 218 775
15.04.2038			28 550 000	825 000	196 029	184 750		1 205 779
15.10.2038			27 725 000	825 000	191 571	180 397		1 196 968
15.04.2039			26 900 000	825 000	185 018	174 073		1 184 091
15.10.2039			26 075 000	825 000	180 499	169 661		1 175 160
15.04.2040			25 250 000	825 000	174 963	164 293		1 164 257
15.10.2040			24 425 000	825 000	169 428	158 925		1 153 353
15.04.2041			23 600 000	825 000	162 996	152 718		1 140 714
15.10.2041			22 775 000	825 000	158 356	148 189		1 131 545
15.04.2042			21 950 000	825 000	151 985	142 041		1 119 026
15.10.2042			21 125 000	825 000	147 285	137 453		1 109 738
15.04.2043			20 300 000	825 000	140 974	131 364		1 097 338
15.10.2043			19 475 000	825 000	136 213	126 717		1 087 930
15.04.2044			18 650 000	825 000	130 677	121 349		1 077 027

15.10.2044			17 825 000	825 000	125 142	115 981		1 066 123
15.04.2045			17 000 000	825 000	118 952	110 009		1 053 961
15.10.2045			15 300 000	1 700 000	114 070	99 552		1 913 622
15.04.2046			13 600 000	1 700 000	102 102	88 007		1 890 109
15.10.2046			11 900 000	1 700 000	91 256	77 429		1 868 685
15.04.2047			10 200 000	1 700 000	79 413	66 005		1 845 418
15.10.2047			8 500 000	1 700 000	68 442	55 307		1 823 749
15.04.2048			6 800 000	1 700 000	57 035	44 245		1 801 280
15.10.2048			5 100 000	1 700 000	45 628	33 184		1 778 812
15.04.2049			3 400 000	1 700 000	34 034	22 002		1 756 036
15.10.2049			1 700 000	1 700 000	22 814	11 061		1 733 875
15.04.2050			0	1 700 000	11 345	0		1 711 345
Жами				**50 000 000**	**11 048 825**	**10 677 953**	**538 580**	**72 265 359**

** 2021 йил 1 январь ҳолатига фоиз тўлови учун тўғрилаш ставкаси йиллик 0,1 фоизни ташкил этади.*

*** 2021 йил 1 январь ҳолатига хизмат кўрсатганлик учун тўғрилаш ставкаси йиллик 0,73 фоизни ташкил этади.*

**** Мажбуриятлар учун воситачилик ҳақи қарз битими имзоланганидан сўнг 60 кундан кейин ҳисобланади.*

*****Тўлов суммалари қарзларнинг амалда ўзлаштирилишидан келиб чиқиб аниқланади.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 1